



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (13.785)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 октябрь куни электр энергетика соҳасидаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

– Электр энергетикаси иқтисодийнинг “мотори” бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, умуман ҳаётни бу соҳасиз тасаввур қилиб бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Мамлакатимизда жами 14 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлиб, унинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Бироқ, иссиқлик электр станциялари қувватларининг 84 фоизи қарийб ярим аср аввал ишга туширилган бўлиб, улар ҳам 83 фоизга ишламоқда, холос.

Ривожланган давлатларда 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи сарфланса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши натижа-сида электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади.

Мамлакатимизда электр энергияси асосан табиий газни ёқиб ишлаб чиқарилади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда 2030 йилга бориб уни янада кўпроқ сарфлаш – тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини увол қилиш дега-нидир.

– Атом электр станциясининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини қисқартириш бўйича муҳим ва янги ечимлардан бири бўлади, бироқ бунинг учун ҳали 8-10 йил керак. Шунинг учун мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, энг муҳими, қисқа вақтда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш лозим, – деди Президентимиз.

Йиғилишда 2030 йилга бориб қўшимча талаб этила-диган 12,5 минг мегаватт қувватларни яратиш чораси-ни кўриш, жумладан, буғ-газ қурилышлари, атом электр станцияси, гидроэлектрстанциялар барпо этиш ва мав-жудларини модернизация қилиш, Сирдарё, Тошкент, Навоий, Тахياتош иссиқлик электр станцияларидаги энергоблочларни янгилаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклики электр энергияси тизимига ҳам жорий қилиш орқали зарур бўладиган қувватларни қоплаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига 3,9 минг мегаватт буғ-газ ва газ-турбина қурилышлари ҳамда Ангрен шаҳрида ва Сурхондарё вилоятида кўмирда ишлайдиган иссиқлик электр станциялари, қуёш ва шамол электр станциялари қуриш чораларини кўриш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ишлаб чиқарувчи янги объектлар қуришни жадаллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгилаб олинди.

Шу муносабат билан келгуси йилдан электр энергия-си сотишдан тушадиган маблағларнинг 15 фоизини инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредит-ларни қайтариш учун йўналтириш лозимлиги таъкид-ланди.

Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси топширилди.

– Тизимда амалга ошириладиган модернизация ва реконструкция ишлари ушбу соҳага давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни жалб қилишни та-қозо қилмоқда. Лекин, на норматив-ҳуқуқий база ва на техник инфратузилма бунга тайёр эмас. Масалан, ху-сусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини энерготизимга қабул қилиш масаласи ханузгача ҳал этилмаган. Оддий мисол, Туркияда 60 фоиз, Жанубий Кореяда 20 фоиз электр энергияси хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади, – деди Президентимиз.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат кўмитаси ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жа-миятига халқаро экспертлар хулосалари асосида соҳа-га хусусий секторни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмининг ҳуқуқий, институцио-нал, технологик асослари ишлаб чиқилишини таъмин-лаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён фойда-ланиб келинаётган тармоқлар улуши 62 фоизни таш-кил этиши, тақсимловчи тармоқларда линияларнинг 57 фоизи ва 39,6 мингта трансформатор пункти янгила-ниши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурга асосан жорий йилда 34 минг километрик электр узатиш тар-моғи ва 7 минг трансформатор пунктида, 2019 йилда 7 минг километр электр узатиш тармоғи ва 2 минг транс-форматор модернизация қилиниши лозим.

Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Мо-лия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўзбекэнер-го” акциядорлик жамиятига дастурда белгиланган тад-бирларни барқарор молиялаштириш манбалари бил-ан таъминлаш юзасидан топшириқ берилди.

“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига инвестиция мажбуриятларини бажариши учун уни молиявий мус-

таҳамлаш бўйича чоралар кўриш вазифаси юклатил-ди. Шу жумладан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамия-тига унинг 2019-2021 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига асосий қарзини қайтариш муддатини 3 йилга узайтириш бўйича енгилликлар бериш масала-си ҳам кўриб чиқилди.

Етказилган электр энергияси бўйича қарздорликлар-ни ундириш самарадорлигини янада ошириш зарур-лиги таъкидланди. Мажбурий ижро бюроси электр энергияси бўйича қарздорликни камайтириш юзаси-дан кўрилаётган чоралар натижадорлигини янада оши-риши кераклиги қайд этилди.

Энергия ресурсларининг автоматлаштирилган ҳисо-бини юритиш тизимини жорий этиш пайсалга солиб келинаётгани танқид қилинди.

Масалан, мазкур тизимни Бухоро, Жиззах ва Самар-қанд вилоятларида жорий этиш бўйича чет эл компа-ниясига билан имзоланган шартнома қиймати қайта кўриб чиқилиши сабабли уни амалга ошириш тасдиқ-ланган режа-жадвалдан 15 ойга кечикмоқда.

“Ўзбекэнерго” АЖ, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари-даги 1,4 миллион истеъмолчини автоматлаштирилган тизимга улаш ишларини жадаллаштириши зарурлиги таъкидланди.

Бошқа ҳудудларда 2019-2021 йилларда Осие тарақ-қиёт банки кредити ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш, автоматик бошқарув тизими-нинг ягона марказини ташкил этиш, келгуси 3 йилда 5,6 миллион дона замонавий электр ҳисоблагич ўрна-тиш вазифаси юклатилди.

Президентимиз қўшни давлатлар энергия тизимла-рига транзит хизмати кўрсатиш, бунинг учун улар бил-ан музокараларни йўлга қўйиш, юртимизнинг тран-зит ва экспорт салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўй-ича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқ берди.

Энергия ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг асосий вазиф-аси бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда электр энергетика соҳаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, со-ҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ў.А.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муас-сасаларининг Глобал альянси (МХХМГА) Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили салоҳиятини ўрганиш юзасидан юртимизга ташриф буюр-ди.

● Фарғона вилоятининг Риштон ту-манидаги ижтимоий-маънавий муҳит-ни ўрганиш ҳамда аниқланган муам-моларни бартараф этишга кўмакла-шиш бўйича Республика ишчи гуруҳи фаолияти давомида 32 минг 338 хо-надонда яшовчи аҳоли билан суҳбат-лар ўтказилиб, турли соҳаларга оид 1 минг 493 муаммо аниқланди.

● Андижон шаҳрида “Фит макс” номли аёллар спорт-соғломлашти-риш маркази иш бошлади. Марказда массаж, йога, фитнес, диагностика, тўғри овқатланиш режаси бўйича тав-сиялар, савдо ва рецепция бўлими, кардио-зонали тренажёр зали, рақс тўғарақлари фаолият кўрсатиб, мала-кали мутахассислар, қўтба ва жаҳон чемпионатлари, Олимпиада мусоба-қаларида иштирок этган тажрибали спортчи аёллар мураббий сифатида хотин-қизлар, айнакча, уй бекларин-нинг саломатлигини мустаҳкамлаш-га қаратилган махсус машғулотлар ўтказилади.

● Жиззах вилоятида ёшларни тад-биркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бизнес гоёларини қўллаб-қувватлашга қаратилган турли тадбир-лар ўтказилмоқда. “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган учрашув-да тадбиркорлик билан шуғулланмоқ-чи бўлган битирувчиларга бизнес-режа тузиш, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кредит олиш, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар каби масалалар бўйича мутахассислар томонидан мас-лаҳат ва йўл-йўриқ берилди.

● Фарғона шаҳрида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади. Фарғона вилоятида банд-ликни таъминлаш, одамларнинг да-ромати, ҳаёт сифатини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва туманларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуа-лари барпо этилаётир.

ЖАҲОНДА

● Европа комиссияси Ирландияга қарши суд даъвосини қайтариб олиш-ни режалаштирмоқда. Бунга мамла-кат томонидан Американинг Apple компаниясидан тўланадиган 14,3 мил-лиард евро миқдоридagi солиқнинг ундириб олингани сабаб бўлган.

● Халқаро шахмат федерациясига янги президент сайланди. Россия бош вазирининг собиқ ўринбосари Арка-дий Дворкович Батумида Халқаро шахмат федерациясининг (ФИДЕ) конгресси аъзолари овоз бериш на-тижаларига кўра ФИДЕ президенти этиб сайланди. Ушбу лавозимга фе-дерациянинг кўп йиллик вице-прези-денти Георгиос Макропулос ва бри-таниялик гроссмейстер Найжел Шорт ҳам даъвогарлик қилган.

● Мадинадаги Муқаддас Куръон му-зейида Куръони каримнинг аjoyиб ну-схаси намойиш этилди. Покистон-дан олиб келинган бу Куръон китоби-нинг ўзига хослиги шундаки, у тамо-мила матога тикиб ёзилган. Китобни 1987 йилда покистонлик Насим Ах-тар “ёза” бошлаган ва ишни жорий йилдагина тамомлай олди.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди, дея хабар беради Ў.А.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси М.Жумагалдиевнинг таъкидлаши-ча, мамлакатимизда амалга оши-рилаётган изчил иқтисодий ис-лохотлар бюджет жараёнини хал-қаро мезонлар ва стандартлар асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Давлат ва жамоатчилик учун молиявий ҳисобот стандартлари-га (International Public Sector Accounting Standards, IPSAS) кўра, мамлакатнинг давлат ва маҳаллий даражадаги бюджет жараёнлари тегишли тузилмаларга ва жамо-атчиликка очик ҳамда тушунарли тарзда тақдим этиб борилиши лозим. Президентимизнинг жор-ий йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларини очиклигини ва бюджет жараёнинида фуқаролар-нинг фаол иштирокини таъмин-лаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори мазкур йўналишда му-ҳим қадам бўлиб, бюджет жара-ёнлари очиклиги ва шаффофли-гини таъминлашга хизмат қилмоқ-да.

Учрашувда қўшма миссия аъзо-лари мамлакатимизда Давлат бюджети параметрлари ижроси устидан парламент назорати ҳамда қонун ҳужжатлари нуктаи назаридан бюджет аудити назо-рати ҳақида батафсил хабардор қилинди.

Мамлакатимизда мазкур йўналишларда парламент назо-ратини амалга оширишнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Бундан ташқари, Ва-зирлар Маҳкамаси Давлат бюд-жетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Респуб-ликаси Ҳисоб палатасига ташки аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳар ҳисобот йилида 5 апрелга қадар юборади.

Жорий йилда Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма мис-сияси давлат харажатлари ва мо-лиявий ҳисобот PEFA талаблари ҳамда стандартларига мувофиқ, мамлакатимиздаги молия ва бю-джет интизомини, бюджет ресурслари ва молиявий хизматларни тақсимлаш самарадорлигини ба-ҳолайди ва ўз тавсияларини тақ-дим этади.

Делегация вакиллари мамлака-тимизда турли давлат идорала-ри ва ташкилот ходимлари иш-тирокда ўқув-семинарлар ўтказ-ган. Ўтган ҳафта давомида молия тизимини таҳлил этиш ишлари-ни бошлаган.

Тадбир давомида бюджет тек-ширувларининг қандай ўтказили-ши, бюджет аудити текширувлари хусусида фикр юритилди.

Нурилло НАСРИЕВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “Пластмасса ва полимерлар саноати – Plastex Uzbekistan” ҳамда “Қадоқлаш ва босма иши – O’ZuPACK – O’ZBEKINPRINT” аънаввий халқаро кўргазмалари очилди.

“ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”: ЭКСПОРТ, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

“Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компа-ниясига томонидан ташкил этилган кўргазмалар-дан асосий мақсад мазкур йўналишларни янги босқичга кўтариш ва тизимга энг янги техноло-гияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш қувват-ларини модернизациялаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Бу йилги кўргазмалар ўзига хос тарзда таш-кил этилган бўлиб, павильонлардаги пластмас-са ва полимерлар саноати ҳамда қадоқлаш ва босма иши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, махсулотларнинг янги турлари намойиши ки-шини беэътибор қолдирмади. Шу жиҳатдан ҳам, бундай кўргазмалар майдонини ташкил этиш маҳаллий ва хорижий компаниялар фаолиятида жуда муҳимдир. Янгиликларга иштиёқи банд компанияларнинг мазкур тадбирларда иштиро-ки йилдан йилга ортаётгани бунга яққол мисол-дир. Масалан, ўтган галги намойишда 12 дав-латдан 80 компания қатнашган бўлса, бу сафар 16 мамлакатдан 140 компания иштирок этмоқда.

– Мақсадимиз мазкур йўналишларда фаоли-ят кўрсатаётган компанияларни, улар ишлаб чи-



(Давоми 2-бетда)

Транспорт

**ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ — ОЛИЙ МАҚСАД**

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унда янги автобус йўналишларини ташкил этиш, мавжуд автовокзаллар ва автостанцияларни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Ушбу қарор бугунги кунда транспорт тизимидаги ноқулайликларнинг олдини олишда ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада пойтахтимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ахборот-технологиялар кун сайин ривожланиб бораётган бугунги кунда йўловчиларни манзилларига тез ва сифатли етказиб беришда қандай қулайликлар жорий этилган?

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансизмат” АЖ таркибиде 9 та автобус саройи, 4 та унитар корхона мавжуд. Автобус саройлари томонидан 133 йўналишда транспорт хизмати йўлга қўйилган бўлиб, ушбу йўналишларга 1 124 та автобус бириктирилган.

Бир йилда ўртача 200 миллиондан зиёд йўловчиларга хизмат кўрсатилади. “Тошшаҳартрансизмат” акциядорлик жамияти берган маълумотларга қараганда, автобуслар назорати марказий номимлик хизмати — “Тоштрансдиспетчеризмат” унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Ҳозирда бир минг 300 га яқин автобусга GPS трекерлари ва антенналари ўрнатилган, операторлар автобус ҳаракатларини онлайн тарзда кузатиб боради. Компьютер мониторинга қўрибмаётган, белгиланган тезликка амал қилмаган, оралик бекатда кўп тўхтаб қолган транспорт воситасини огоҳлантириб туради.

Йўловчиларнинг манзилларига бекхат ва тез этиб олишлари учун транспортларда замонавий қулайликлар яратилган, — дейди “8-автосаройи” масъулиятли чекланган жамияти директори

Тоҳир Исмаилов. — Шаҳримиздаги 30 га яқин автобус бекатларига электрон таблолар ўрнатилган. Уларда йўналиш рақами, бекат номи ва автобусларнинг қанча вақтда бекатга етиб келиши, ва-лякилар курси ҳамда об-ҳаво маълумотлари эълон қилиб борилади.

— Инсон хавфсизлигини таъминлаш, йўл қоидаларига риоя қилиш, йўловчиларни ўз манзилларига соғ-саломат ва бекхат етказиб қўйиш асосий вазифасидир, — дейди “12-автосаройи” масъулиятли чекланган жамияти директори Жамшид Маннонов биз билан суҳбатда. — Транспорт воситаларида ҳушёр, сезгир ва ўта масъулиятли бўлиб рулни бошқариш ҳайдовчидан катта маҳорат ва касбий сабоқ талаб этади. Ўн етти йўналишга хизмат кўрсатаётган мазкур автобус саройимизда 650 нафар ходимлар фаолият юритади. Шулардан 308 нафарини малакали ҳайдовчилар, 115 нафарини эса чиптачилар ташкил этади. Жорий йилда муассасамизга янги МАН русумидаги 14 та автобуслар олинди ва йил якунига яна енг сўнгги русумдаги янги автобуслар олиндиш кўзда тутилмоқда. Фуқароларнинг узоқини бекхат ва тартибли равишда яқин қилиш, тез, сифатли ва қулай шароитларда хизмат кўрсатиш муассасамиздаги ҳар бир ҳайдовчининг асосий вазифасидир.



Жорий йил давомида шаҳримизда 571 та янги автобус харид қилиниб, йўналишларга қўйилиши режалаштирилган, 180 та янги йўналишлар очилиши натижасида уларнинг умумий сони тўрт минг 483 тага етказилди. Бу эса транспорт тизими бўйича аҳоли учун яратилаётган яна бир қулай имкониятдир.

Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган “18-автосаройи” МЧЖ, “2-автосаройи” МЧЖ, “4-автосаройи” МЧЖларда ҳам ҳалқимиз учун қўлай, сифатли ва замонавий русумдаги янги транспорт воситалари хизмати йўлга қўйилган.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини автобус саройлари масъул ходимлари томонидан жамоат транспорти ишини тартибга солиш бўйича жамоатчилик назорати жорий қилинган. Шунингдек, транспорт ҳодисалари профилактикаси тўғрисида ўқув машғулотлари ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Аҳолига жамоат транспортида сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш ва қулайлик яратиш мақсадида шаҳардаги мавжуд автобус саройларида доимий равишда турли тадбирлар, дара суҳбатлари ўтказиб борилади. Мақсадимиз бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳалқимизга беҳимнат хизмат кўрсатиб, тез, қулай, бекхат манзилларига етказиш, юртимиз равангига ҳисса қўшиш.

Гулҳади ДУРДИЕВА

**ТАДБИРКОРЛАР МУАММОСИГА
ЕЧИМ ТОПИШ ЗАРУР**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан “Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Унда депутатлар, тегишли вазириликлар, қўмита ва ташкилотлар мутасаддилари, экспертлар, олимлар, тадбиркорлар қатнашди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш, бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот, соғлом шериклик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунга қарамай, тадбиркорлар билан бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича долзарб ахборот алмашувини йўлга қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини ташкил этиш ва юритишда аҳолига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш масаласи анча суст экани кўзга ташланмоқда.

Конференцияда мутахассислар бу борадаги тақлим ва тавсияларини билдирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш диққат марказида бўлиб турибди. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси эса нафақат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, балки етакчи халқроқ молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳосида ҳам ҳолисона акс этмоқда. Хусусан, Жаҳон банкнинг “Бизнесни юритиш — 2018” ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнликка киргани қайд этилган.

Аммо бу ҳали етарли эмас. Айни йўналишда, янада муваффақиятга эришишдек муҳим вазифа турибди. Юртин тараққий эттириш, халқни бой қилишнинг ягона чораси — бу тадбиркорликни янада кучайтириш, оддий одамларни ишбилармонликка ўргатиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш билан бевоқифа болглик.

Ўзбекистон Республикасининг “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда) қабул қилиниши келгусида тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги “Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони соҳада муҳим янгиланишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратади.

Конференцияда мазкур соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам атрафлича таҳлил қилинди. Мутахассис, эксперт ва тадбиркорларнинг мазкур муаммоларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири**

Юртимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган институтга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

**ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИ
ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА**

Жумладан, Президентимизнинг бевоқифа ташаббуси билан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда қўрилган амалий чоралар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини янги босқичга кўтарди. Суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан оширди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида суд тизими янгича асосда ташкил этилди, фаолияти ҳам халқ манфаатларига мослаштирилди. Судьяларнинг аҳоли билан очик мулоқотлари, суд мажлисларини сайёр шаклда, фуқаролар билан ошқора ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳар бир учрашувда, сайёр суд мажлисларидан кейин судьялар одамларнинг фикрига қулоқ тутаётгани, уларнинг мурожаат ва муаммоларини ўрганиб, қонуний ечимини топаётгани соҳа ходимларини том маънода халққа яқинлаштирди.

Қайд этиш кераки, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади. Президентимизнинг айнан шу масалага оид қарори ижросини таъминлаш юзасидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Хусусан, вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноят ишлари умумлаштирилиб, унинг натижалари судьяларимиз томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида тегишли ташкилот вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинмоқда.

Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди томонидан “Жарқурғон” маҳалла фуқаролар йиғини ва “Шоҳимардон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида ташкиллаштирилган халқ билан очик мулоқотни алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу тадбирларда маҳалла аҳолиси, жумладан ёшлар, фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Очик мулоқотлар давомида судьялар туман ҳудудида рўй берган ўғрилиқ, фирибгарлик, қасддан баданга шикаст етказиш, безорилик ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг содир этилиш сабаблари ҳақида сўз юритишди. Мазкур жиноятларни содир этганлик учун қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик ва жазо чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Шу хилдаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан профилактик сўхбатлар ўтказилди.

Ишончимизки, бу каби тадбирларнинг шаҳримизнинг ҳар бир маҳалласида ташкил этилаётганлиги, нафақат судлар олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ижобий таъсирини кўрсатади, балки умумий мақсадимиз — ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир бўлмаслигига эришишимизга, тинч ва осуда ҳаётимиз таъминланишига хизмат қилади.

**Аброр САИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг раиси
Мавлон ГАҒУРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман суди судьяси**

**ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ
СОДДАЛАШТИРИЛМОҚДА**

Бугунги кунда юртимизда давлатимиз томонидан тадбиркорларга ҳар томонлама қулай шароитлар, энгилликлар яратиб берилмоқда. Бу борада айтиш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

лиқаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” “Фаол тадбиркорлик, инновацион оғилар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони мавзифик давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Унга қўра, эндиликда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишни соддалаштирилган механизмларини белгилаш, шаффоқликни таъминлаш ва давлат органлари томонидан асосий маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тар-

тиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни жадал такомиллаштиришга киришилди.

Бунда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини босқичма-босқич қисқартириш, жамоатчилик назорати, ўзини ўзи тартибга солиш, сертификатлаш, аккредитациялаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни суғурталаш, техник тартибга солиш ва бошқа замонавий усуллар орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни мукорбил усулларидан кенг фойдаланиш белгилаб берилмоқда.

Фармонга қўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўми-

таси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирилик ва идораларнинг 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияландирилган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан бекор қилиш назарда тутилган.

Лицензияландирилган фаолият тури доирасида бажариладиган ишларнинг аниқ рўйхати фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомида кўрсатилади.

Бу борада тегишли давлат органлари томонидан тарғибот ишлари давом этмоқда.

**Акрам ХАЛИЛОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ бошлиғи**

“ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”:**ЭКСПОРТ, ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯ ВА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН
ИМКОНИЯТ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш кераки, “Пластмасса ва полимерлар саноати — Plastex Uzbekistan” халқроқ кўргазмасида доимий иштирокчилар қаторида Ўзбекистон, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлардан янги компаниялар ҳам қўшилмоқда.

Хитойдаги “Jing Hong” пластмасса маҳсулотларига қўйиб ишлаб чиқарувчи корхона ҳам бу кўргазмада биринчи бор қатнашмоқда.

— Корхонамиз ўн икки йилдан буён фаолият кўрсатади, — деди ушбу корхона бош директори Лео Ванг. — Ўтган йиллар мобайнида корхонамиз маҳсулотлари Хитойда ҳам ўз ўрнини эгаллаб олгурди. Рақобат жуда қучли, лекин биз бундан қўқмай, илдам қадам ташлайверамиз. Бугунги кунда автомобиль эҳтиёт қисмлари, турли кичик ҳажмдаги трубалар, стол-стуллар, уй-рўзғор буюмлари каби пластмасса маҳсулотларга қўйилган ишлаб чиқарамиз. Юртингизда ўтказилаётган кўргазмада илк бор қатнашаёмиз ва бу улкан самара беришига ишонамиз.

Қадоқлаш ва босма иши бўйича тақлим этилаётган маҳсулотлар ҳам томошабинлар диққатини тортмоқда. Айниқса, бу ерда қадоқ, белги ва босма иши, қозғоқ кесиш машинаси, флексбосма учун автомат ускуна, инъекцияли қуйиш машинаси, китоб корпусини тайёрлаш учун автоматик машина, бабиналикесиш машинаси каби қўллаб-қувватлаш ускуналар намойиши маҳалли ва хорижий ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларни харидорлар билан яқин алоқалар ўрнатишга имкон яратмоқда.

— Кўргазмага иштирок этиш учун Сурхондарёдан келдик, — деди ЎЗА муҳбирига “Денов босмаҳона” масъулиятли чекланган жамияти раҳбари М.Жўраев. — Ўтган кўргазмада Ҳиндистондаги “Rotofset” компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган эдик. Бу ерда босмаҳонамиз учун зарур бўлган ускуналар олиш ниятида яна шу компания вакиллари билан учрашишга ҳамда соҳадаги халқроқ янгилликлар билан ташишишга муваффақ бўлдик.

Кўргазмада озиқ-овқат ва ичимликлар, ноозик-овқат товарлари, косметика ва дори воситалари, қурилиш моллари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари хорижий компаниялар қаторида “Polimaks”, “Uzpolitec Holding”, “Poytaxt savdo group”, “Tekkor matbaa” каби маҳаллий бозорнинг етакчилари фаол иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазмалар юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортига кенг йўл очиб бораётганлиги, мева-сабзавот, фармацевтика, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини ва хомашёларга инвестициялар киритиш имкониятини яратади.

Кўргазмалар намойиши 5 октябрга қадам давом этади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ТАРИФИ
КАНДАЙ?**

Мутахассислардан олинган маълумотларга қўра, 1 киловатт/соат электр энергия қиймати Қозғистонда 5,1 цент, Россияда 5,8 цент, Ҳиндистонда 5 цент, Хитойда 5,5 цент, Европа Иттифоқи мамлакатларида 9-14 евроцент бўлгани ҳолда Ўзбекистонда 2,8 центга тенгдир.

Тарифларнинг паст даражада экани электр энергиясида оқилонга фойдаланмаганлик учун иқтисодий санкцияларнинг қонунчилик амалиётида йўқлиги билан бир қаторда ундан истеъмолчиларнинг кўпинча самарасиз фойдаланишига олиб келмоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тарифларни белгилаш тизимини қайта қўриб чиқиш, электр энергиясидан фойдаланишга нисбатан аҳоли менталитетини ўзгартириш, электр энергиясидан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан оқилонга фойдаланаётган истеъмолчиларни рағбатлантириш мумкин бўлади.

Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилонга фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакат миқёсида энергия тежамкор услублар ва технологияларни жорий қилишда муҳим қадам бўлди.

Соҳа мутахассислари истеъмолчиларни электр энергияси билан барқарор ва сифатли таъминлаш, келгусида талабнинг орттишини ҳисобга олган ҳолда бир қатор зарур чора-тадбирларни амалга оширишни шарт деб ҳисоблайди. Жумладан, иссиқлик электр станцияларини ускуналарини модернизациялаш, электр энергиясини етказиш ва тақсимлаш учун мўлжалланган электр тармоқлари, трансформатор пунктлари ва кичик станцияларни янгилаш лозим. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият, бу электр энергия ишлаб чиқаришининг 20-40 фоизга орттишига олиб келади. Ишлаётган ускуналарни соз ҳолда сақлаш учун вақти-вақти билан режалли мукамал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ўз навбатида мамлакатимизда “Яшил энергетика”ни ривожлантириш учун катта молиявий маблағлар талаб этилади. Бунда, электр энергиясига иқтисодий жиҳатдан қизиқувчи йўтувчи тарифлар белгилашга қараганда маъмурий лойиҳаларни амалга ошириш учун бўлажак инвесторларни жалб қилиш мумкин.

(ЎЗА)

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ушбу муассаса хузурида Жамоатчилик кенгашини тузишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Унда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, вазирилик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, вазириликнинг бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ва аъзолари рўйхати Низом асосида шакллантирилди.

Низомга кўра, кенгаш ўз ишини жамоатчилик асосида олиб боради ва доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Жамоатчилик кенгаши вазирилик аппарати хузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти вазирилик тасарруфидоги барча олий таълим муассасалари, марказ ва ташкилотларга тааллуқли бўлади.

Жамоатчилик кенгаши таркиби раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолардан иборат бўлиб, Кенгашнинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга ҳисобланади.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим тизими иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилишда, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳуқуқларини муҳофаза этишда, соҳага оид давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида

амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўйб-га чиқаришда вазирилик ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Йиғилишда Ш.Қудратхўжаев, М.Жалолов, У.Шарифхўжаев каби мутахассислар кенгаш фаолиятини самарали йўлга қўйиш, соҳада амалга оширилаётган иш-лохотларда фаол иштирокини таъминлаш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Кенгашнинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари яқин кунларда ҳудудларга чиқиб, тизимдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий ҳаракатларни бошлашга келишиб олинди.

Мажлисда Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан овоз бериш йўли билан Муҳаммадҷон Қуронов – раис, Комилҷон Қаримов (Тошкент халқаро Вестминстер университети ректори) – раис ўринбосари, Фарҳод Бабашев (Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик Ахборот хизмати раҳбари) – котиб этиб сайланди.

ЎЗА

“ТАРИХ ВА БУГУНГИ МУНОСАБАТЛАР”

Пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида “Ўзбекистон – Франция: тарих ва бугунги муносабатлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирилик ва идоралар, дипломатик корпус, илмий доиралар вакиллари, дўстлик жамиятлари мутасаддилари, ахборот-таҳлил марказлари ходимлари, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга ташрифи арафасида ташкил қилинган ушбу тадбирда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги тарихий алоқалар, маданий-гуманитар, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати, инвестициявий шерикликни ривожлантириш истиқболлари, транспорт-коммуникация, туризм ва бошқа соҳалардаги муносабатларни мустақимлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги сиёсий мулоқот юксак суръатда ривожланмоқда. Қатор қўшма тадбирлар туфайли манфаатли шериклик алоқалари тобора кенгаймоқда. Парламентлараро алоқаларга, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Виолет де Вильморнинг таъкидлашича, ўзаро муносабатларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи икки мамлакат вазирилик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этади.

Франция Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо шерикларидан. 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 251 миллион АҚШ долларидан ошди. Айниқса, фармацевтика, нефть-газ, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик изчиллик билан ривожланмоқда. Мамлакатимизда Франция капитални иштирокидаги 16 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасида азалдан ўзаро борди-келди, дипломатик ёзималар бўлгани солномаларда қайд этилган, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан

Франция Республикасининг Миллий мажлиси ўртасидаги “Ўзбекистон – Франция” дўстлик гуруҳи раҳбари Акмал Саидов. – Бу асрлар давомида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, илм-фан соҳаларида ҳамкорлик учун қўлай замин яратган. Бугунги кунда ҳам юртимизда француз тили ва маданиятига қизиқиш юқори. Француз тилига ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ишончимиз комилки, Президентимизнинг Францияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини сифатдан янги босқичга олиб чиқади.

Тадбирда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодий либераллаштириш, инвестициявий жойабдорликни оширишда Франция ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи сиёсий маслаҳатлашувларни мунтазамлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ

Хабарлар

ТОШКЕНТ ВА ПУЧОН ХАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Жанубий Кореянинг Пучон мэрияси вакиллари билан иборат делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокараларда Тошкент ва Пучон маъмуриятлари ўртасида ўзаро дўстона алоқаларни кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

Пучон мэрияси вакиллари Тошкентда ижтимоий соҳалар, хусусан туризм ва соғлиқни сақлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришдан иккала томон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини таъкидлади. Бу борада Пучон мэрияси вакиллари тиббиёт йўналиши бўйича бепул ўқув курсларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Шунингдек, учрашувда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Врачлар малакасини ошириш институтида Мирзо Улуғбек туман ҳокими вазирасини бажарувчи Шавкатбек Иргашев иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг мутасадди раҳбарлари, туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, туманда фаолият юритаётган банк тизими мутасаддилари ва таълим соҳаси вакиллари, маҳалла раислари иштирок этдилар.

Таҳлилий-танқидий руҳда олиб борилган ушбу йиғилишда барча бошқармалар томонидан 2018-2019 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўришдаги камчиликлар, хусусан тумандаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида сўз юритилди.

Халқимизда “қиш ғамини ёзда ўйла” деган нақл бор. Шундан келиб чиққан ҳолда, уй-жой фонди, коммунал хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектларини навбатдаги иситиш мавсумига тайёрлаш, куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудларнинг санитария-тозаллик ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада жадаллаштириш ҳақида ҳам вазифарлар юқлатилди. Бу борада айниқса жойлардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг қишга тайёргарлик борасидаги ишлари талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ҳар бир ташкилот зиммасига юқлатилган вазифалар алоҳида таъкидлаб ўтилди ва амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар эслатилди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишига бевосита ижрочиларнинг ва тегишли корхона, ташкилот раҳбарларининг масъулиятини оширишга катта аҳамият бериш лозим. Ҳадемай, қиш мавсумини қарши оламиз. Уй-жой фонди, коммунал ва ижтимоий соҳа объектларида қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қанчалик муҳим эканлигини инобатга олиб, барчамиз бу масалада масъулиятни тўлиқ ҳис этган ҳолда ўзимизга юқлатилган вазифаларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажаришимиз зарур.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳудуддаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда аҳолини ўзлари яшайдиган кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларида фаол иштирок этишга чақириб қолади.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги Матбуот хизмати

ЁШ ПЕДАГОГЛАР МАКТАБИ

Олмазор тумани “Баркамол авлод” болалар марказида “Ёш педагог — сифатли таълим сари” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Олмазор тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан “Ёш педагоглар мактаби” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб бугунги кунда ушбу мактаб муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ёш ўқитувчилар ўзларига керакли бўлган тавсия ва керакли маслаҳатларни олмақдалар.

Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган илмий-амалий семинарда ҳам туман халқ таълими бўлими булдир Замира Азимбоева ва анжуманга ташриф буюрган устоз-мураббийлар ёш ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган масалалар юзасидан йўл-йўриқларни бериб, ташаббус ва тавсияларини қўллаб-қувватладилар.

Шунингдек, ёш педагогларга туман методистлари “Дарс нима? Унинг турлари”, “Йиллик ва кундалик режа”, “Ёш педагоглар фаолиятида юзага келадиган муаммо ва камчиликлар” мавзусида тақдирот намойиш этдилар.

Тадбир сўнггида ёш муаллимлар ўртасида психологик сўровнома ўтказилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Муниса ҚОСИМОВА, ЎзДЖТУ талабаси

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОЗОДАЛИГИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Доимий яшаш жойи ва қаровчиси бўлмаган турли тоифадаги одамлар барча замонларда ҳам бўлган. Улар кўча-кўйларда, маҳалла ва жамоат жойларида тиланчилик билан кун кўрганлар. Кўп қаватли уйлarning ертўлалари-ю, пана-пастқам жойларда ётиб-туриб, иссиқ-совуқдан жон сақлаганлар. Уларнинг кўпчилигини руҳий касалликка чалинганлар, хотирасини йўқотганлар ва бошқа сабаблар билан бошпанаси-ю, яқинларидан айрилганлар ташкил этган. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, бундай одамлар ҳозир ҳам учраб туради.

Эътироф этиш кераки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланиб, бу борада таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда. Айни пайтда доимий яшаш жойи бўлмаганлиги учун кўча-кўйда дайдиб юрган кишилар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Улар ички ишлар ходимлари томонидан пойтахтнинг “Яшаш жойи номаълум бўлган кишиларни реабилитация қилиш бўйича Тошкент шаҳар маркази”га жойлаштирилмоқда. Бу ерда улар шифокорлар кўригидан ўтказилиб, кийим-кечак, озиқ-овқат ва иш билан таъминланмоқда. Шундай бўлсада, доимий бошпанаси бўлмаган одамлар муаммоси ечими масалага жиддий ёндашишни, ҳамкорликни, ҳамжихатликни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар филиали нодавлат-нотижорат ташкилоти директори, депутат Алишер Муқсинов ана шулар ҳақида бош қотирар экан, фикр-уйларни-ю, ниятларини жамоаси билан кенгашиб, амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклиф билан пойтахт ҳокимлигига муурожаат қилди. Унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари қўллаб-қувватланди.

— Ишни бошлаб юбордик, — дейди Алишер Муқсинов менга дастлабки қадам натижаларни тўғрисидаги маълумот ва суратларни кўрсатар экан. — Мана, қаранг, доимий яшаш жойи бўлмаган одамларни. Бу ерда мункиллаб қолган чолу кампирлар йўқ. Ҳаммаси ишга лаёқатли йигит-қизлар-у, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган одамлар. Афсуски, улар турли сабаблар билан уй-жойсиз, қаровчиси ва ҳужжатсиз қолиб, шу кўйга тушганлар. Давлатимиз эса реабилитация қилиш марказларида уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатмоқда.


Биз марказимиз ходимлари билан “Яшаш жойи номаълум бўлган кишиларни реабилитация қилиш бўйича Тошкент шаҳар маркази”да бўлиб, у ерда яшаётган одамларнинг аҳоли, яшаш шароити, эҳтиёжлари билан яқиндан танишиб, ўзимиз ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда қилишимиз керак бўлган ишларни белгилаб олдик. Энг аввало, у ердаги одамларнинг шахсини аниқлаш, қаерда ким билан истиқомат қилганлигини ва нима сабабдан марказга келиб қолганлигини билиш учун руҳшуносларни жалб этдик. Айни пайтда тадбиркорларимиз доимий мурувват ёрдамини кўрсатишга киришдилар. Бу ишларимизни янада кенгайтирган ҳолда такомиллаштириб бораверамиз. Яъни, мазкур марказга ҳар томонлама кўмак бериш билан

бирга, мавжуд ижтимоий муаммоларни қонун доирасида ҳал этишда барча имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз.

Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, реабилитация марказидагилар ичида республикамизнинг бошқа ҳудудларидан келганлар ҳам анчагина. Энг асосий вазифа уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш. Бу бир-икки кунда бўладиган иш эмас. Шу боис биз бу масалада ҳокимиятлар, адлия ва ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва хотин-қизлар кўмиталари, “Сила” маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳамжихатлик билан ишлашимизга тўғри келади. Бу реабилитация марказидагиларни тезроқ ўз манзилига ва соғлом ҳаётга қайтариш имконини беради. Айни пайтда пойтахтимизда турли юқумли касалликлар ва катта-кичик жиноятларнинг олдини олган бўламиз. Иккинчидан, шаҳарнинг тозаллиги таъминланган ва энг муҳими хорижий меҳмонлар ва сайёҳлар кўзларига қора доғлар кўришиб, таъблари хира тортмайдиган бўлишига имкон туғилади. Бу гап ҳақ. Доимий яшаш жойи бўлмаганлиги учун турли жойлардан, шу жумладан ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам келиб қолган турли тоифадаги одамларни реабилитация марказига олиб бориб доволаш, муайян бир ишга қўништириш, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳаттоки, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаганларнинг шахсини аниқлаб, биометрик паспорт бериш яқини. Бу бизнинг халқимизга хос бўлган беминнат олижаноблик, меҳр-мурувват. Аммо, асосий масала шундай кишиларнинг пайдо бўлмаслигига эришиш. Бунинг учун жойларда айрим маҳалла ва унинг масъулларини бепарволик ботқоқидан чиқариб, бу борада жиддий ишлаши кераклигини ўқитиш лозимга ўхшайди.

Шу билан бирга маънавий-маърифий ишларни қозғошда эмас амалда кўрсатиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқотни талаб даражасида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳалла бошпанасиз дайдилардан холи бўлса, тозаллик, ободлик, тинчлик бўлади. Ташқаридан келган меҳмонлар ҳам яқини таассуротлар билан хурсанд бўлиб кетадилар. Бунга ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб киришсагина эришамиз. Бу ҳам химмат. Бу химматга ҳар биримиз ўзимизни, ўз уйимизни, ўз маҳалламиз ва ўз шаҳримизни тоза-озода сақлаш ва кўнгилсизликлардан асраш билан ҳисса қўлишни бурчимиз деб билайлик.

Нуриддин ОЧИЛОВ, журналист



ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ ЧОРЛАЙДИ

Шу йилнинг 9-14 октябрь кунлари Тошкент ва Бухоро шаҳридаги кўرғазма залларида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда қатор вазирилик ва ташкилотлар ҳамкорлигида Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йиллиги бағишлаб VIII Халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi ўтказилади.

Мазкур замонавий санъат анжумани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда. Шу билан бирга, мазкур халқаро кўрғазма ёш истеъоддорларни қўллаб-қувватлаш, анъаналаримизни сақлаб қолиш ва уларни хорижий мамлакатлар вакилларига кенг тарғиб этиш, шунингдек, замонавий санъатни ривожлантиришдек мақсадларни қўлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бу йил иккундай лойиҳа тадбирлари қўна Бухоро шаҳрида ҳам ташкил этилиши мазкур ранг-баранг кўрғазмаларга ижодкорлар, ёш мусаввирлар ҳамда юртимизга келаятган сайёҳлар эътиборини тобора кўпроқ жалб этиш имконини беради. Ушбу биеннале истиқлол йилларида миллий тасвирий санъатимизни равиқ топтириш, унинг бетакорр анъана ва мактабларини ривожлантириш, юртимиздаги мусаввирлар, фотожодкорлар, уста ва ҳунармандлар, дизайнер ва ҳайкалтарошларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш борасидаги эзгу сайёҳаракатларни намойиш ва сарҳисоб этиш учун яна бир қўлай имкониятдир.

VIII Халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi доирасидаги кўрғазмалар пойтахтимиздаги Марказий кўрғазмалар зали, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Иқо Хираяма халқаро маданият қарвон саройи, Тошкент Фотосуратлар уйи, Камолдин Бехзод номдаги Шарқ миннатори санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Бухоро шаҳридаги Арк ўлкашунослик музейи, Ситорай Мох Хоса саройи кўрғазма залларида бўлиб ўтади.

Шунингдек, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг матбуот анжуманлари залида хорижий меҳмонлар иштирокида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда замонавий санъатнинг ривожланиши масалалари бўйича маърузалар тингланади.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири



КИТОБХОНЛИК КЕЧАСИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонасида ташкилотда тахсил олаётган ўқувчи ва фаолият юритаётган ўқитувчи ҳамда амалий машқ усталари иштирокида "Китобхонлик кечаси" тадбири ўтказилди.

Тарихий ва адабий мавзуларга оид саволлардан иборат викторинада иштирок этган ҳар бир қатнашчи ўғри берилган жавоблар учун юртимизда нашр этилган бадиий адабиётлар билан тақдирланди.

Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонасининг спорт бўйича бошлиқ ўринбосари Баҳодир Мирзаахмедов томонидан ходимлар орасида милтиқдан ўқ отиш бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Президентимизнинг китоб тарғиботи, китобхонликка бераётган эътибори узққни кўлаб амалга ошираётган энг эзгу ишлардан бири бўлганини таъкидламоқчи эдим, — дейди унитар корхонанинг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва харбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Хуршида Базарова. — Ҳам ақлий, ҳам жисмоний ҳаракатларни талаб этган ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтказилиши билан бирга ташкилотда фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийларнинг ёдида қолиши билан аҳамиятли бўлди. Сабаби тадбир сўнггида ўқитувчи ва мураббийдек машаққатли ва шарафли касбни эгаллаган ташкилотдаги ходимлар эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

Устозларга эътибор, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш келажак авлодга яхши билим ва ҳунар ўргатишда янада шижоат бағишлайди.

Зиёда РАСУЛОВА

Буэнос-Айрес – 2018

ЎСМИР ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

Ўзбекистон спорт делегацияси жорий йилнинг 6-18 октябрь кунлари Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида III ёзги ўсмирлар Олимпиада уйинларида иштирок этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитасида спортчиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Набиев, Миллий олимпиада қўмитаси раиси У.Аҳмаджонов Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг чуқур билим олиши, қизиқ-қалғани билан бундан ташқари соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шароит яра-

тишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда барча зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари қурилди. Уларда ёшларнинг спорт турлари билан шугулланиши учун етарлича шарт-шароит яратилган.

Бундай кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган навқирон авлод эса жаҳон ареналарида мунтазам юртимиз байроғини кўкларга кўтармоқда.

Спортчиларимизнинг бу ютуқларга эришишида Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ва XVI Паралимпия уйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Буэнос-Айрес шаҳрида ўтқа-

зиладиган III ёзги ўсмирлар Олимпиада уйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси шарафини 16 спорт турида 37 нафар спортчи ҳимоя қилади. Мазкур мусобақанинг очилиш маросимида эркин кураш бўйича Осие чемпионати совриндори Муҳаммадрасул Раҳимов Ўзбекистон байроқдори сифатида майдонга чиқади.

Олимпиада уйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда юртиш шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг орзусидир, — дейди М.Раҳимов. — Аргентинада ўтказиладиган мусобақаларда Президентимиз ва халқимиз ишончини, албатта, оқлаймиз.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА мухбири

ЁШ БОЖХОНАЧИЛАР ДОИМО ФАОЛ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида "Ёшларга оид давлат сиёсати тарғиботи ойлиги" лойиҳасини ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ва концепцияси ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ислохотлар, ёш кадрларни тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ёш ходимларни яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди. Унда бошқарманинг ёш ходимлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари кириш сўзи билан очиб берди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Санжар Саидов ва бўлим мудири Сарвар Ҳасанов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси ва қонунарга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган тарзда тарбиялашда изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, ўтган давр мобайнида бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам бир неча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлаб ўтти.

Бугунги кунда божхона органларида ҳам Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташкил этилиши, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ишларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйилишига замин яратди.

Қолаверса, бошқарма бошлиғи ўринбосарларидан бирини ёшлар билан ишлаш бўйича масъул ўринбосар сифатида бириктирилиши, бу борада амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилганлигини далolat беради.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташкил этилиб, рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирги кунда

бошланғич ташкилотга 157 нафар божхона ходимлари аъзо.

Ўтган давр мобайнида бошланғич ташкилот томонидан ёш ходимлар билан, қолаверса Тошкент шаҳридаги ёшлар билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Тадбирда бошқармада хизмат фаолияти давомида бошқармага ўрнак бўлган, божхона органлари олдига қўйилган вазифалар — мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўлиб келаётган бир неча ёш ходимлар жойларда барпо этилаётган "Ёшлар ойлари"дан имтиёзли кредит асосида сотиб олишлари учун Ёшлар иттифоқининг тавсияномасига эга бўлишганини айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунида белгиланганидек, мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунарга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган тарзда тарбиялаш, шунингдек, ёшларни ахлоқий негизларини бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан ва бузғунчи гоялардан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Санжар Саидов. — Бугунги ташкил этилган тадбир ҳам айнан юқорида таъкидлаб ўтилган мақсад ва вазифаларимизни амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида Божхона ходимлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгашининг "Ташаккурнома"си билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда АТ "Халқ банки" Мирзо Улуғбек филиали билан ҳамкорликда 2018 йил 19 октябрь куни соат 11.00да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидега ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзеси, 3-уй (370-сонли касса биноси)да жойлашган, бошланғич баҳоси 120 463 200 сўм бўлган умумий майдони 67,0 кв.метрдан иборат "Бинонинг бир қисми" нархи пайаситрилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда тақдорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ун) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 2 (икки) фоиз миқдоринда комиссия ифғим тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида катнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закатат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfInBANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида катнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс катнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан ласпорт нусхаси, закатат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (0599) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давергеодезадастр қўмитаси томонидан тасдиқланган график асосида жорий йилнинг 26 октябрь куни Тошкент шаҳрининг Сергели ва Юнусобод туманларида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабули ўтказилади. Ушбу сайёр қабулда барча соҳага оид саволлар билан иштирок этишингиз мумкин.

Сайёр қабул ўтказиш вақти: 26 октябрь куни соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар Сергели туман филиали мажлислар залида. Манзил: Сергели тумани, Сергели-3 даҳаси, 29-уй. 26 октябрь куни соат 15:00 дан соат 18:00 га қадар Юнусобод туман филиали мажлислар залида. Манзил: Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 112-уй. Маълумот учун телефонлар: (71) 231-68-51, (71) 233-21-01.

ЭКОЛОГИК ТОЗА ХУДУДНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳининг "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамасига бағишланган ййғилиши бўлиб ўтди.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мазкур қонун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбирда мутахассислар томонидан соҳада учраётган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ечим топиш бўйича ҳуқуқий механизмларни кучайтиришга қаратилган ишлар хусусида маълумот берилди.

Қонунда "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, мазкур кодексда сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантирганлик, улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик каби масалаларга тегишли чора кўриш тартиби ўрин олган. Бундан ташқари, санат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташини, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун чоралар кучайтирилишини назарда тутувчи қўшимчалар ҳам киритилган.

Давлатимиз томонидан аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тизимини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланиш нazorат қилиш давлат инспекцияси раҳбари ўринбосари Ғайрат Раҳимов. — Бироқ ичимлик суви сифатини нazorат қилиш, фойдаланиш сувларни оқизиш (канализация) ҳамда оқова суви тозалаш хизматларини ташкил этиш соҳасида давлат нazorатини амалга ошириш билан боғлиқ ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд. Бугун муҳокама этилаётган қонун ҳам соҳадаги кўпқаб камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади.

Тадбирда қонунда белгиланган вазифалар юзасидан ишчи гуруҳ аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Абдулазиз МУСАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи томонидан Муртазов Уткиржон Уктам ўғли номига 2011 йилда берилган К № 2246059 рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М.Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи томонидан Алматы Хуршид Зокир ўғли номига 2010 йилда берилган К № 1880691 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 72а-уй учун "MOBIL GAZ" МЧЖ номига 12.10.2011 йилда ер участкаси учун берилган О'У 443337 рақамли ва 12.10.2011 йилда бино иншооти учун берилган ТА 1266970 рақамли кадастр гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 5 октябрь куни ҳаво ўзариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи

— 28-30 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиб, ифшоланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4402 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

«Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АКРОМОВ